Рос. книжная палата УзССР

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 4 октябр Шанба.
№ 77 (14469)

## ЭЪТИРОФ

**Яқингача Марказий Осиёнинг ушбу Республикаси ёқилғи маҳсулотининг аксарият қисмини Қозоғистон ва Россиядан келтиришга мажбур эди. Ҳозир эса нефтни қайта ишлашни камида 30 фоизга оширишга имкон берувчи янги ишга туширилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи туфайли Ўзбекистон чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш борасида ўта муҳим қадамни ташлади.**

**Деки КОСНАР,**
**франциялик журналист**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Р.М.Қосимжоновга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони бериш тўғрисида

Ватанимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун шахмат бўйича халқаро гроссмейстер **Рустам Машрукович ҚОСИМЖОНОВ**га «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 2 октябрь**

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ассалому алайкум!

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен бугун ниҳоятда хурсандман. Хурсандлигимни Сиз билан - менга илк бор ҳомийлик қилиб, оқ фотиҳа берган азиз зот билан баҳам кўришни истадим. Қувончимнинг сабаби, аввало, Сизга берган ваъдамни бажара олганлигимдир. Халқаро шахмат федерациясининг 68-Конгрессида менга «Шахмат бўйича Халқаро миқёсдаги гроссмейстер» унвони берилганлиги ҳақида хушхабар келди.

1994 йилда биринчи марта ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони бўлганимда, менга маҳоратингни оширгин, деб компьютер тақдим қилган эдингиз. Шунда мен спорт усталигига номзод эдим.Совғангиздан ҳаяжонга тушиб, худо хоҳласа, «Шахмат бўйича Халқаро гроссмейстер» унвонини оламан, дея ваъда бергандим.Орадан уч йил ўтди. Шу давр мобайнида мен ўша компьютер ёрдамида буюк шахматчиларнинг ўйин услубларини, тажрибаларини ўрганиб, 1994 йил Венгрияда, 1995 йил Бразилияда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида икки бор бронза медалини, 1996 йил Макаода 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 2-ўринни, 1997 йил Бирлашган Араб Амирликларида катта ёшлиларнинг Осиё командалар чемпионатида ғолибликни, 1996 йил Голландияда, 1997 йил Франциядаги турнирларда шерикликда 1-ўринни, 1997 йил Франциянинг Тулуз шаҳридаги гроссмейстерлар турнирида ғолибликни ва, ниҳоят, шу йил қадрдон шаҳрим Тошкентда катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида чемпионликни қўлга киритдим.

Яна шу давр ичида Тошкент Давлат университетининг математика факультетига ўқишга кирдим. Ҳозир учинчи курсда ўқияпман. Инглиз тилини мукаммал ўрганишим ҳамда мураккаб программаларни ўзлаштиришимда Сиз ғақдим этган ўша компьютер яна катта ёрдам беряпти.

Нокамтарлик бўлса-да, Сизга айтишни лозим топаманки, жаҳоннинг 20 ёшгача бўлган энг кучли шахматчилар ўнталиги рўйхатида менинг ҳам ўзбекча исмим ва азиз Ватаним - Ўзбекистон номлари қайд этилган. Мана энди Халқаро гроссмейстерлик унвонини олдим. Бу унвонга 18 ёшгача сазовор бўлганлар жаҳон шахмат тарихида 5 киши экан.

Очиғи, мустақиллик бўлмаса мен қаерда эдиму, халқаро турнирлар, компьютерда жаҳон шахмати сир-асрорларини ўрганиш қаерда эди. Ана шу имкониятни яратганингиз учун, Мустақилликнинг Ватанимизда абадий яшаши учун, муқаддас Ўзбекистон байроғининг жаҳоннинг энг буюк шаҳарлари узра кўтарилмоғи, Мадҳиямизнинг дунё осмони бўйлаб янграши учун бор куч-қувватимни бағишлайман деб, ўз-ўзимга сўз бердим.

Сиз ҳамиша, ҳамма ерда ота-боболаримизнинг ким бўлганини ёдда тутинглар, дейсиз. Уларга муносиб авлодлар бўлишни уқтирасиз. Қадимда шахмат санъатининг энг гуллаб-яшнаган ўлкаларидан бири бизнинг Ватанимиз бўлган. Сизнинг спортга, шу жумладан, шахмат ва шахматчиларга кўрсатаётган ғамхўрлигингизга жавобан бундан сўнг бутун ғайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиш учун курашга қаратмоқчиман. Истардимки, мен туфайли ҳам мустақил Ўзбекистон номи дунё бўйлаб яна бир карра жарангласин.

**Сизга чексиз миннатдорлик билан ўғлингиз**
**Рустам ҚОСИМЖОНОВ**

**P.S. Ушбу хатни Сиз совға қилган компьютерда ёздим.**

## Шукрона

### Келажак олдидаги масъуллик

**Қадрли Ислом Абдуғаниевич!**

**Ҳаётимизда биринчи маротаба Ўқитувчилар ва мураббийлар куни миллий байрам сифатида нишонланди. Шу муносабат билан она Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлган халқ таълими ходимлари орасида биз ҳам борлигимиздан беҳад хурсандмиз.**

**Аввало, камтарона меҳнатимиз шундай қадрланаётгани учун чин дилдан миннатдорлик билдиришни истаймиз.**

**Мустақилликнинг дастлабки йилидан маърифат аҳлига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Давлат уйларимизни хусусийлаштиришда тенгсиз қулайлик яратди, уй-жой қуриш учун ер ажратилди, иш ҳақимиз ошмоқда, коммунал, транспорт хизмати ва бошқа соҳаларда имтиёзларга эгамиз. Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрамига айланиши эса маърифат аҳлига давлатимиз ва халқимиз эҳтироми ошаётганидан далолат беради.**

**Биз Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги сермазмун нутқингизни, «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»ни республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиб, уни давр талаблари асосида юксалтириш сари ташланган дадил қадам, муҳим бурилиш деб биламиз.**

**Халқимиз том маънодаги янги жамият қуришга киришди. Бу жамиятга янгича дунёқараш, онг-шуур ва тафаккурга эга, чинакам маърифатли ва маънавиятли авлод керак. Таълим тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган мақсад ҳам ана шу авлодни тарбиялашдан иборат. Дастур яратилди. Энди уни амалга ошириш - ҳаётга татбиқ этиш лозим. Бу биз - таълим-тарбия ходимлари олдига улкан вазифалар қўяди. Чунки Ўзбекистонимизнинг келажаги нечоғлик буюк бўлиши навқирон авлод камолоти, уларнинг маънавий дунёси нақадар бой бўлишига, таълим-тарбияга боғлиқ.**

**Бу келажаги буюк Ватанимизга янгича тафаккурли, янги дунёқарашга эга муносиб ворисларни тайёрлаб беришни талаб қилмоқда. Айни чоғда биз ҳам ана шу янгича ўқув-тарбия усуллари ва услубларини эгаллаб боришимиз, қунт билан ишлашимиз зарурлигини дилдан ҳис этаяпмиз.**

**Бу эзгу йўлда бутун билимимиз, иқтидоримиз, меҳнатимизни аямаймиз. Ватан равнақи, навқирон авлоднинг ёрқин келажаги учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга соламиз. Барча ҳамкасбларимизни шунга даъват этамиз. Чунки мамлакат ва халқ тақдири ўз қўлимизда бўлган бугунги кунда ҳар бир муаллим ва мураббий келажак учун масъул эканини ҳис этиб меҳнат қилиши зарур.**

**Бир гуруҳ халқ таълими ходимлари**
**Тошкент вилояти.**

## Марказий Осиёда энг ёш халқаро гроссмейстер

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Ватан шарафини жаҳонга ёяётган ёш спортчилар ҳам шулар сирасига киради. Президент Ислом Каримовнинг Фармонига биноан ёш шахматчи Рустам Қосимжонов «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. У бу мукофотга шахмат бўйича халқаро миқёсдаги гроссмейстер унвонини қўлга киритгани, кўпгина жаҳон ва қитъа биринчиликларида Ватанимиз шарафини муваффақият билан ҳимоя қилгани учун сазовор бўлди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида ана шу мукофотни топшириш маросими бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов ўқиб эшиттирди ва ёш спортчига юксак мукофотни топширди.

Президентимиз 1994 йилда Рустамга компьютер ҳадя этган эди.Шахматчининг спортдаги янги улкан ютуқлари инобатга олиниб, у янада мукаммал компьютер билан мукофотланди. Йўлбошчимизнинг бу туҳфасини Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев топширди.

Маросимда Р.Қосимжонов сўзга чиқиб, унинг спортдаги муваффақиятлари юксак қадрланаётгани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди, Ватанимиз шарафини янада юксалтиришга ўзимнинг бор куч-ғайратимни сарфлайман, деб ишонтирди.

Тантанали маросимда Миллий Олимпия Қўмитаси раиси С.Рўзиев, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов қатнашди.

**(ЎзА)**

## ОМАДЛИ ЙИГИТ

### Ёш гроссмейстер Рустамжон Қосимжонов билан суҳбат



***-- Рустамжон, шахмат-ақл ўйини, дейишади. Ростанам шахмат ақлни чархлайдими?***

-- Албатта, шахмат ўйнаганда фикрларим тиниқлашиб, ўзимни бошқача ҳис қиламан.

***-- Илк шахмат ўйнаган пайтингизни эслай оласизми. Умуман шахматга қизиқиш сизда қачон пайдо бўлган?***

-- Шахмат ўйинига қизиқишимга акам сабабчи бўлган. Чунки, болалигимизда акам билан билсак-билмасак доналарни териб ўзимизча шахмат ўйнардик. Кейинчалик, ҳатто боғчага ҳам кичкинагина шахмат қутичамни кўтариб боришни одат қилдим.

***-- Шахмат, қолаверса турли мусобақалар ўқишга халақит бермайдими?***

-- Албатта, халақит беради, лекин излаган имкон топади дейишади-ку. Қийинчиликдан, меҳнатдан қочмаган киши ҳамма нарсага эриша олади деб ўйлайман. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишим керак: менга дарсларни ўзлаштиришимда факультетимиз декани Гулмирза аканинг хизматлари катта.

***-- Ҳаётингизда қувончли воқеа юз берди. Ҳукуматимизнинг кўкрак нишони- "Ўзбекистон белгиси'' билан тақдирландингиз. Бу сизга қандай таъсир қилди?***

-- Тўғрисини айтиш керак, Ҳукуматимиз менга бунчалик катта ишонч билдиради деб ўйламаган эдим. Мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб яшнаши, янада равнақ топишига сағинч бўлсада ўз ҳиссамни қўша олган бўлсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Бу юксак ишонч, хурмат учун юртбошимизга яна бир бор ўз миннатдорчилигимни билдириб, бундан кейин ҳам шу азиз Ватаним, халқим учун қўлимдан келганча хизмат қилишга тайёрман.

***-- Эсингизда бўлса 1994 йилда Осиё чемпиони бўлганингизда юртбошимиз сизга компьютер совға қилган эдилар.***

-- Юртбошимиз компьютер совға қилганларида берган ваъдам туну-кун ҳаёлимда бўлди. Бугунги кунда мана шу даражага етишиб, ўз ваъдамни бажарганимдан жуда хурсандман. Президентимиз совға қилган компьютер кейинги ўйинларимда менга омад келтирди, десам хато қилмайман.

***-- Кейинги режаларингиз тўғрисида тўхталсангиз?***

-- Режаларим юқори савиядаги мусобақаларда иштирок этиб, муваффақият қозониш. Қолаверса, жаҳон биринчилигига даъвогарлар билан шахмат суриш.

***-- Биринчи устозингиз ким?***

-- Илк расмий ўйинларимда А. Грушевский устозлик қилганди. Ҳозир С. Пенчукдан шахмат сирларини ўрганяпман.

***-- Тенгдошларингизга тилакларингиз?***

-- Ёшликда вақтни бекор ўтказмасдан илм олишга, бирор ҳунар ўрганишга ҳаракат қилишларини хоҳлардим. Бу йўлда мен уларга фақат омад тилайман.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**''Туркистон'' мухбири**

## ОҲАНГЛАРНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ

**Истеъдод -- Яратганнинг буюк неъматларидан бири. Лекин уни ўз вақтида пайқай билиш, намоён эта олиш кишидан катта қунт, маҳорат талаб этади. Инсон имкониятининг эса чек-чегараси йўқ. Ёш мусиқачи Фазлиддин ҲУСАНОВ билан суҳбатлашар эканман, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. У яқинда Америка Қўшма Штатларида ўтказилган мусиқачиларнинг халқаро танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Австрия, Германия, Франция, Италия, Чехия, Словакия, Венгрия, Жанубий Корея каби мамлакат вакиллари фортепьянода моҳирлик билан номдор композиторлар асарларини ижро этаётган бу ўзбек фарзанди иқтидоридан лол қолишди.**

***-- Фазлиддин, мусиқа оламига кириб келишингизда оилавий муҳит етакчи ўрин тутган бўлса керак?*** -- сўраймиз ундан.

-- Албатта, отам Сайфулла Ҳусанов Ўзбекистон телевидениесида 30 йил мобайнида бош овоз режиссёри бўлиб ишлаганлар. Олти ёшимдан бошлаб Успенский номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатига қатнай бошлаган бўлсам, доим мактабга отам билан бирга келардим. Онам -- инглиз тили ўқитувчисилар. Мусиқа билан шуғулланиш учун уйда ҳамма вақт шароит яратиб беришарди.

***-- Яратиб беришарди?.. Ҳозир-чи?..***

-- Ҳозир Германиянинг Троссинген шаҳридаги олий мусиқа мактабининг II-курсида ўқияпман.

***-- Германияда ўқиш қийиндир, ҳар ҳолда ўзга юрт...***

-- Дастлабки йили бироз қийналдим, чунки Германияга боргунимча фақат инглиз тилини оз-моз билардим-да. Кириш имтиҳонлари фақат мусиқадан бўлган. Аста-секин хорижий тилларни ўргана бошладим. Жонли мулоқотда тил тез ўзлаштириларкан. Икки йилдан кейин ўқишни битириб, аспирантурага кириш ниятим бор. Лекин хорижда юрган пайтларимда она Ватаним бир лаҳза бўлса-да хаёлимдан кетмайди!

***-- Нима учун айнан Германиядаги олий мусиқа мактабида илм оляпсиз?***

-- Қизиқ бўлган-да... Кунларнинг бирида Беккер деган немис мусиқашуноси Ўзбекистонда сафарда юрганида, Успенский номидаги мактаб-интернатга келиб ўқувчилар ижросини тинглаган. Аввал мактабдошим Евгений Мурский-

### Иқтидорлилар -- юрт бахти

ни, кейин эса мени ўқишга таклиф қилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Германиядан имтиҳонлар учун таклифнома юборишди.

***-- Уйга тез-тез келиб турасизми?***

-- Бир йилда бир марта. Уйдагиларга, мактабдагиларга хат ёзиб тураман, гоҳи қўнғироқ қиламан. Фурсатдан фойдаланиб менга имкон қадар далда бўлаётган Навоий тоғ-металлургия комбинати раҳбари Николай Кучерский ҳамда Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Республика жамғармасига миннатдорчилик билдирмоқчи эдим.

***-- АҚШдаги танлов ҳақида ҳам сўзлар берсангиз.***

-- Шу йил июнь ойида Юта штатининг Солт-Лейк-Сити шаҳридаги танловда иштирок этиш бахти 200 кишидан 36 кишига насиб этди. Унда Моцарт, Шопен, Лист, Скрябин асарларини ижро этдим. Ижром маъқул келди чоғи фахрли иккинчи ўринга лойиқ деб топишди.

***-- Бу сизга нима берди?***

-- Танлов президенти Паул Поллайн тавсиясига кўра Европа давлатларида концерт дастурларини намойиш этиш имконига эга бўлдим. Кейинги концертлар Испания, Бразилияда қўйилиши мўлжалланмоқда. Ўзбекистоннинг номи узоқ-узоқларга ёйилса қандай яхши.

***-- Мусиқани тушуниш, идрок этиш деган иборани сиз қандай изоҳлайсиз?***

-- Биласизми, композитор ўз бошидан ўтказган кечинмалари, юрагидаги ҳис-туйғуни мусиқа орқали ифодалайди. Бетховеннинг қулоғи эшитмайдиган бўлиб қолган, ахир композитор учун бу нақадар оғир фожеа-ку. Шубертнинг ҳаёти ҳам енгил бўлмаган. Ана шуларнинг бари улар яратган асарларда акс этган. Мусиқа -- ҳаётни тасвирлайди. Қолаверса мусиқа ҳамма тушунадиган, таржимон талаб қилмайдиган, инсонларни ўзаро боғлаб турувчи восита ҳамдир. Мусиқанинг буюк куч-қудрати ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Болалигимда таниқли дирижёр Зоҳид Ҳақназаров билан биргаликда Шопеннинг 2-концерти, Бетховеннинг 5-концертини ижро этгач, классик мусиқага янада меҳрим уйғонган. Қувонарли жиҳати шундаки, бугун юртимизнинг мусиқа санъатига жаҳон тан бермоқда. Солт-Лейк-Ситидаги танловдан сўнг АҚШнинг Эй-Би-Си телекомпанияси мухбирлари ҳам мендан айнан Ўзбекистондаги мусиқа санъатининг равнақи ҳақида қизиқиб сўрашган эди.

***--Фазлиддин, тенгқурларингизга қандай тилаклар билдирасиз?***

-- Бундан юз йиллар аввал ҳам ўқиган, илмли одам хор бўлмаган. Ҳозир ҳам шундай. Тенгдошларим кўпроқ ўқиб, изланишса, дейман.

***-- Орзуларингиз...***

-- Ўзбекистон шаънини янада юксалтиришда ўз ҳиссамни қўшмоқчиман!

***Фазлиддин Ҳусанов эндигина 19 ёшда. Озод Ватанга, ҳур диёрга бўлган меҳрини мусиқа орқали барчага улашаётган бу ёш ижрочига янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.***

**Суҳбатдош: Назокат УСМОНОВА**



**Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган илғор теримчилардан Малика Ўролова ҳамда унинг дугоналари Дилором Мирдадаева, Ҳалима Абдураҳмоновалар мавсум илғорларидандир**

## СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Республика ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни спорт мусобақаларига кенгроқ жалб қилиш, аҳолининг турли қатламларидаги ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш, спортнинг волейбол ва баскетбол турларини оммалаштириш мақсадида ''Камолот'' жамғармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Республика Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда хайрли ишга қўл уришди. Шу йил ноябрь ойидан бошлаб 1998 йил март ойигача Наврўз- умумхалқ байрамига бағишлаб волейбол ва баскетбол бўйича ''Камолот'' жамғармаси кубоги турнири ўтказилади. Ана шу масала юзасидан Республика ёшларининг ''Камолот'' жамғармаси Бошқаруви биносида йиғилиш бўлиб ўтди. Шунингдек, мажлисда билдирилган таклифлар маъқулланиб, спортни ривожлантириш борасида ''Камолот''нинг фаоллиги таъкидланди.

**Н. УСМОНОВА**

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**

**Танловга таклиф этамиз**

**Ўзбекистон Республикаси ёшларининг ''Камолот'' жамғармаси Бошқаруви жамоатчилик, халқаро ташкилотлар билан алоқалар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий масалалар билан шуғулланишга қодир ёшларни ўз кучларини синаб кўришга таклиф этади.**

**Танловда замонавий иқтисодий билимларни пухта эгаллаган, бухгалтерия-ҳисоб-китоб ишларини бемалол юрита оладиган, бозор иқтисодиёти асослари:**

- **-- Менежмент**
- **-- Маркетинг**
- **-- Социология**
- **-- Психология**
- **-- Молия**

**йўналишларини яхши тушунадиган, ўзбек, рус, инглиз тилларида иш юрита оладиган, ёши 30 дан ошмаган йигит ва қизлар иштирок этиши мумкин.**

**Танловда иштирок этувчиларнинг ҳужжатлари 1997 йил 10 октябргача қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси 11.**
**2- қават, 12-хона.**
**Телефонлар: 41-02-72 41-00-50**

